

ПОЙАБЗАЛБОП ТРИКОТАЖГА ОИД ТАЖРИБАЛАР НАТИЖАСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14210966>

Дилафруз Умаровна Хамидова

таянич докторант,

Мирзахмедов Авазбек Саидахматович

ассистент,

Нилуфар Рахимовна Ханхаджаева

профессор

Тошкент тўқимачилик ва саноат институти, Шоҳжакон кўчаси, 5,

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: dilyaz88@mail.ru, avazbekmirzahmedov71@gmail.com,

nilufar.khankhadjaeva@bk.ru

Кириш

Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожланиб, янги технологиялар татбиқ этилиб, трикотаж маҳсулотлари турлари кенгаймоқда. Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг турли усулларини тақдим этилиб [1-3], шунингдек, яхлит тўқилган спорт трикотаж маҳсулотларига ҳам эътибор берилмоқда. Турли машиналар тавсия этилиб, трикотаж маҳсулоти купонларини узлуксиз тўқишининг кенг технологик имкониятлари очиб берилган. STOLL ва SHIMA-SEIKI ясси фанг машиналарининг технологик имкониятлари батафсил тавсифланган.

Шунингдек, олимларнинг илмий ишлари [4-6] мавжуд бўлиб, уларда бундай машиналарнинг ишлаш принципи ҳар томонлама ёритилган. Яхлит трикотаж тўқиши ва чиқиндиларни минимал даражада камайтириш имконияти ҳам бундай машиналарга қизиқиши оширади. Ўзбекистон шароитида саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида юқори ишлаб чиқариш қобилияти ва арzonлиги билан яхши истеъмол хоссаларини ўзида мужассам этган ҳолда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тезлаштириш талаб этилади. Шунинг учун трикотаж ишлаб чиқариш технологиясида юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш алоҳида аҳамиятта эга ва зарурдир [7-8].

Тадқиқотни давом эттириш учун бир нечта манбалар ўрганилди, бунда спорт ва ёзги пойабзал ассортиментида пойабзал устки қисмини ишлаб чиқариш учун трикотаж машиналарининг технологик имкониятлари йўналиши бўйича маълумотлар таҳлил қилинди.

Пойафзал саноати Mass Customization (MC) - оммавий мослаштиришнинг кашфиётчиларидан бири бўлган [9]. Бироқ, пойафзалда MC синовлари юқори харажатлар, узоқ ишлаб чиқариш вақтлари ва мижозлар эҳтиёжларини қондира олмаслиги сабабли муваффакиятдан йирок эди. Трикотаж пойафзалларни оммавий шахсийлаштириш (Mass Personalization - MP) ушбу муаммоларни ҳал қилиши ва саноат учун зарур воситани таъминлаши учун ушбу тадқиқот тўқилган трикотаж пойафзал учун MP тадқиқ қилишда рақамли тўкиш ва мослаштирилган пойабзал билан MP имкониятларини ўрганади. Шу муносабат билан, трикотаж ва мослаштирилган мосламалар учун шахсийлаштириш параметрлари аниқланган ва уларнинг боғлиқликлари тавсия этилган пойафзал учун MP қўлланилиши керак.

Навбатдаги манбада келтирилишича, лойиҳанинг мақсади ташқи қатлам сифатида спорт пойафзалларини ишлаб чиқариш учун маҳсус ишлов берилган полиэстер функционал иплардан тайёрланган трикотаж матолардан фойдаланган ҳолда кўп қатламли тўқимачилик материалларини олишнинг технологик жараёнини ишлаб чиқишдан иборат бўлган [10]. Ушбу технология ишлаб чиқарилаётган пойабзалларнинг сифат даражасини ва маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини берган. Кўп қатламли кўп функцияли тўқимачилик матоларининг муҳим афзаллиги шундаки, қалинлиги 2-3 мм бўлган ҳолда улар мослашувчан бўлиб, уларни рулонли материал шаклида пардозлаш ва ишлатиш имкониятини сақлаб қолади. Ушбу материаллар ҳам етарлича чидамлилик ва мустаҳкамликка эга ва нафақат пойабзал учун, балки кийим учун ҳам юқори талабга эга.

Яна бир тадқиқот иши [11] пойабзал устки қисми деталлари учун трикотаж маҳсулотларини ярим мунтазам ва мунтазам усулларда замонавий ясси фанг машиналарда ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишига қаратилган. Тадқиқотнинг муҳимлиги маҳаллий ёки импорт орқали сотиб олинган табиий чармнинг қимматлиги ва танқислиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, трикотаждан фойдаланиш пойабзал ассортиментини кенгайтириш имконини беради. Ҳозирги вақтда пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришда контур бўйлаб тўқилган, пастки ва ён томонларига ишлов берилган купонларни тўкиш технологияси қўллаш - бу тхнологиядаги янги йўналишлардан биридир.

Ушбу тадқиқот ишида [12] трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маълум контур бўйича трикотаж тўкиш технологияси кенг қўлланилади.

Контур бўйлаб тўқилган трикотажнинг четки қисмлари ишлов берилган бўлади ва бичишни талаб қилмайди, сўтилмайди. Пойабзал саноатида пойабзалнинг юқори қисмининг деталлари хақиқий чармдан ёки бошқа материаллардан тайёрланади. Бирок, пойабзал устки қисмининг деталлари устки кийим деталлари билан солиширганда анча кичикроқ ва мураккаброқдир. Шу билан бирга, тўқилган қисмнинг ўлчамлари ва контурларининг андозага мувофиқлиги устки кийимга қараганда юқори даражада аниқ талаб қилинади, буни пойабзал устки қисмини тўкиш жараёнини дастурлашда ҳисобга олиниши керак. Пойабзал қисмларига қўйиладиган талаблар тўпламини таъминлаш учун қисмнинг турли жойларида турли трикотаж тузилишини ишлатилган. Тадқиқот мақсади пойабзал устки қисмларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ясси фанг машинасида контур бўйлаб трикотаж тўкиш жараёнини дастурлашдаги ўзига хосликларни аниқлашдир.

Юқоридаги манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, трикотаж технологиясининг ушбу йўналиши ўзбекистонда долзарб ва истиқболли ҳисобланади. Республикализнинг ишлаб чиқариш корхоналарида ўрнатилган трикотаж машиналарининг технологик имкониятларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш бўйича олимлар бир қанча изланишлар олиб бормоқдалар [13-17], шу билан бирга юқоридаги манбалар таҳлилидан келиб чиқиб, пойабзалбоп трикотаж тўқималари бўйича илмий изланишларни давом эттириш ва ривожлантириш зарур.

Тажрибавий изланишлар

Ушбу илмий-тадқиқот ишида ясси фанг тўкув машинасининг технологик имконияти ўрганилиб, пойабзал устки қисми учун мўлжалланган янги аралаш нақшли трикотаж тўқимаси тузилишлари яратилди. Корхона шароитида трикотаж вариантлари намуналари олинди ва трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ўрганилди. Кўрсаткичлар экспериментал йўл билан аниқланди. Трикотаж тўқималарининг экспериментал йўл билан аниқланган технологик кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Пойафзал учун мўлжалланган трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари

Вариантлар	Халқа қадами, A (мм)	Халқа шароитда баландлиги, B (мм)	Катори шароитда	Горизонтал бүйича зичлик P_g (Н/м²)	Вертикал бүйича зичлик P_v (халка)	Халқа иши шароитда	Юза зичлиги $[P/m^2]$	Калинлик M(мм)	Хажм зичлиги δ (м³)
1	1.6	0.9	30	55	5.1	893	2.8	318.9	
2	0.72	0.72	36	36	5.5	787	2.2	357.7	
3	1.6	0.9	30	55	4.8	974	2.4	405.8	
4	1.6	1.04	30	48	5.5	815	2.1	388	

Трикотаж намуналарининг барчаси полиэстер ипларидан фойдаланиб, битта машинада бир хил шароитда МЧЖ “FLATNIT TEXTILE” корхонасида ишлаб чиқилди. Тұқима намуналарини олишда трикотаж тұқымаларини хосил қилиш қоидаларига амал қылған ҳолда ООО «FLATNIT TEXTILE » корхонаси шароитида тұқув цехида ұрнатылған LONG XING русумли икки игнадонли тұқув машинасида экспериментлар олиб борилди. Замонавий ясси фанг трикотаж машиналарида пойабзalбоп трикотаж тұқымаларини олиш имкониятлари ұрганилди. Ишчи аъзолар ва машинанинг иш унумдорлиги таҳлил этилди. Ұрганишлар натижасида, машинанинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда трикотаж маҳсулотларининг кенг ассортиментини ишлаб чиқариш имконитияти мавжудлиги ва иш унумдорлиги юқори эканлиги, шу билан бирга пойабзalбоп трикотаж қупон маҳсулотларини олиш имконияти мавжудлиги аникланди.

Жадвалдаги маълумотларда эксперимент натижалари келтирілған бұлиб, 1-4 вариантылар юқорида келтирілған нақш патрони асосида олинган трикотаж тұқимаси намуналаридир.

Натижалар таҳлили


Халқа қадами A (мм), халқа қатори баландлиги B (мм), горизонтал бүйича зичлик P_g , вертикал бүйича зичлик P_v , халқа иши узунлиғи l (мм), юза зичлиги m_{gr} , қалинлик M, хажм зичлиги δ каби технологик күрсаткичлар экспериментал یәүл билан аникланиб, 1-жадвалга киритилди.

Натижаларни таҳлил қилинадиган бұлса, трикотаж тұқимасининг энг бириңчи технологик күрсаткичларидан халқа қадами пойабзalбоп трикотаж тұқимаси вариантыларда 0,72-1,6 мм оралығыда үзгарған бұлиб, фақат Вариант 2 энг кичик күрсаткичга эга, колдан 3та вариантылар бир хил

кўрсаткичга эга. Ҳалқа қатори баландлиги пойабзalбоп трикотаж тўқимаси варианларида 0,72-1,04 мм оралиғида (30%) ўзгаргани кўринади.

Навбатдаги кўрсаткич горизонтал бўйича зичлик P_g , вертикал бўйича зичлик P_v . Горизонтал бўйича зичлик P_g пойабзalбоп трикотаж тўқималарида 30-36 та ҳалқадан иборат, вертикал бўйича зичлик P_v эса 36-55 та ҳалқадан иборат. Вариантлар бўйича ўзгариш 16-34% ни ташкил қилади. Демак, горизонтал ва вертикал бўйича зичликлар пойабзalбоп трикотаж тўқимаси намуналарида турли фоиз кўрсаткичларида ўзгариб боради.

Тўқимадаги ҳалқа ипи узунлигининг кўрсаткичлари (1-расм) эса қуидаги: пойабзalбоп трикотаж намуналарининг таҳлил натижалари бўйича ҳалқа ипи узунлиги 4,8-5,5 мм ни ташкил қилади (13% ўзгариш).




1-расм. Ҳалқа ипи узунлиги ва қалинлик ўзгариши диаграммалари.

Навбатдаги кўрсаткич тўқиманинг қалинлигидир. Трикотаж тўқимасига сарфланадиган ҳомашёни янада аниқлаштириш мақсадида унинг қалинлигини ҳам инобатта олиш керак бўлади. Намуналарнинг қалинлигини ҳам лаборатория шароитида маҳсус қалинлик ўлчаш асбобида аниқлаш мумкин. Тўқималарнинг қалинлиги пойабзalбоп трикотаж тўқимаси варианлари бўйича 2,1-2,8 мм ни ташкил қилади ва унинг 25% гача ўзгаргани кузатилади (1-расм).

Тұқымларнинг юза зичлиги таҳлили шуни күрсатады, пойабзalбоп трикотаж намуналари юза зичлиги 787-974 г/см² ни ташкил қилади, бу үзгариш пойабзalбоп трикотаж намуналари учун 19% ни ташкил қилади (2-расм).

Хомашё сарфига юза зичлиги бевосита, ҳажм зичлиги эса тұқима қалинлиги орқали боғлиқ бўлгани учун шу күрсаткич орқали баҳо бериш тўғри бўлади (2-расм).

Тахлил натижаларидан кўриниб турибдикى, ҳажм зичлиги 318,9 дан 405,8 гача үзгарган, бу 21% ни ташкил қилади. Юза зичлиги тұқиманинг эни ва бўйини хисобга олса, ҳажм зичлиги тұқиманинг эни ва бўйи билан бирга қалинлигини ҳам инобатга оловчи күрсаткич. Шунинг учун ҳажм зичлигининг камайиши ҳомашё сарфини камайганини күрсатади. Яратилган янги пойабзalбоп трикотаж трикотаж тўқималарни ҳомашё сарфи камайтирилган ресурстежамкор тўқималар туркумiga киритиш мумкин.



2-расм. Юза зичлиги ва ҳажм зичлиги үзгариши диаграммалари

Тахлил қилинган намуналар ясси фанг машиналарида ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлгани учун, албатта, бу машинанинг имкониятларини ҳам инобатга олиш керак бўлади. Бу туркум машиналарда ярим мунтазам ва мунтазам усулда маҳсулот деталларини узлуксиз купон шаклида тўкиш

имконияти бўлгани учун пойабзалбор трикотаж берилган андоза шакли бўйича тўқилади. Чекка ҳалқа иплари кейинги қаторда ишлашни давом эттириб кетгани учун четки қисмлари сўтилмайдиган тузилишга эга бўлади, бу ўз навбатида маҳсулот сифатини яна бир погона юқорига кўтаради. Бу машиналарда дастурлаш имконияти кенглигини хисобга олинса, пойабзал учун мўлжалланган купон маҳсулоти турли участкаларида турлича тўқима тузилишларини қўллаш имкони мавжуд. Бундай имконият маҳсулот детали хусусиятларини ҳам ўзгаритириши мумкин, ўз навбатида пойабзалга ҳам турли функционал талаблар қўйиш мумкин бўлади.

Хулоса

Пойабзалбоп трикотаж тўқималарининг турлари ва олиш усуллари ўрганилди. Накш самарасига эга, хусусияти яхшиланган мураккаб пойабзалбоп трикотаж тўқималарининг тўрт хил варианти яратилди ва олиш технологияси ишлаб чиқилди. Пойабзалбоп трикотаж тўқимасини олиш учун полиэстер ипларидан фойдаланилган.

Тақдим этилган пойабзалбоп трикотаж тўқима намуналаридан пойабзал маҳсулотларининг спорт ва ёзги ассортиментларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлиги тавсия этилган.

АДАБИЁТ

- 1.D. Spenser. Comprehensive handbook of knitting technology. Textbook – USA Woodhead Publishing LTD 2001.-386 p.
- 2.Hua Wang, Hafeezullah Memon. Cotton Science and Processing Technology. Springer Nature Singapore Pte Ltd. 2020y.
- 3.K. F. AU Advances in knitting technology. England: Woodhead Publishing Limited, UK 2011.
4. Строганов Б.Б. Процессы вязания и механизмы нового плосковязального автомата 848-E7 фирмы «Универсал»: Монография – М.: РосЗИТЛП, 2007.- 94 с.
5. Строганов Б.Б. Процессы вязания и механизмы нового плоскофанового автомата SES122CS фирмы «SHIMA-SEIKI»: Монография – М.: РосЗИТЛП, 2008.- 89 с.
- 6.N.Hanhadjaeva, M.Mukimov “New Knitting Fabric Structure Made on Flat-Bed Knitting Machine” The Second International Symposium on Educational Cooperation for “Industrial Technology Education” 4.07-6.07.2008y p.353-364.

7.Ye.I. Kornienko, V.A.Zavaruev, O.P. Fomina, S.I.Pivkina, T.O.Kupriyanova. Sposob vyazaniya dvoynogo kulirnogo trikotaja s dopolnitel'nym petel'nym sloem. Izvestiya vysshix uchebnyx zavedeniy № 2 Texnologiya tekstil'noy promyshlennosti 2017g.

8.L.M. Chirkova, Razrabortka i issledovanie novyh struktur perekrestnogo trikotazha, Moskva, 2002. Available: <https://www.dissercat.com>

9.A mass personalization framework for knitted footwear Mehmet Ozdemir, Gaetano Cascini , Jouke Verlinden. 9 Internaonal Conference on Mass Customizaon and Personalizaon - Community of Europe (MCP - CE 2020) Re-innovang Business in the Digital Era September 23-25, 2020, Novi Sad, Serbia

10. Технология формирования многофункционального трикотажного материала для верха спортивной обуви Столярова Т.С., Ясинская Н.Н. Витебский государственный технологический университет
<https://rep.bntu.by> › handle › data

11. Разработка трикотажа для обуви с использованием плосковязального оборудования А.М. Синяков, В.П. Шелепова, А.В. Чарковский
<https://elib.bsu.by> › bitstream

12. Цельновязаные трикотажные детали верха обуви М. Г. Франгу, И. М. Тхорева, В. П. Шелепова, А. В. Чарковский <https://elib.bsu.by> › bitstream

13.N. R. Khanhadjaeva, M. M. Mukimov "New Knitting Fabric Structure Made on Flat-Bed Knitting Machine" The Second International Symposium on Educational Cooperation for "Industrial Technology Education" Aichi, Japan, 4.07-6.07.2008

14.Ханхаджаева Н.Р., Набиев А.Г., Рискалиева Ф.М. "Исследование технологических параметров структуры трикотажа с двойным рисунчатым прессовым переплетением", СПбГУПТД (Санкт-Петербургский государственный университет промышленных технологий и дизайна) журнал «Дизайн. Материалы.Технология» Апрель 2020, стр. 93-97.

15. Xanxadjaeva N.R., Nabiev A.G., Riskalieva F.M. "Research of Loop Transferred Structures on V-Bed Flat Knitting Machine", International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8 Issue-6, March 2020, p. 2565-2570.

16.Холбоев Е.Б., Ханхаджаева Н.Р. Холхужаева М.М. Параметры прессовых переплетений с мелкорапортным узором. XXIII Международная научно-практическая телеконференция «Advances in Science and Technology» 15 сентября 2019 г. Москва, Россия

17. Холбоев Е.Б., Хамидова Д.У., Ханхаджаева Н.Р. Технологические возможности двухфонтурного плосковязального автомата LONGXING. РГУ им. А.Н.КОСЫГИНА (ТЕХНОЛОГИИ. ДИЗАЙН. ИСКУССТВО) Проблемы текстильной отрасли и пути их решения. Всероссийский круглый стол с международным участием. Сборник научных трудов, МОСКВА 2021г.